



КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШГА ДОИР
МЕТОДИК ЁНДАШУВЛАР

*Сатторов Ихтиёр Очилович -
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a3

Аннотация. Мақолада камбағаллик даражаси ва уни аниқлашнинг муҳимлиги очиб берилди, камбағаллик даражасини ўлчашнинг жаҳон амалиётида мутлақ, нисбий, субъектив ва кўп ўлчовли ёндашувлар назарий тадқиқ қилинди, камбағалликни комплекс баҳолаш, камбағалликнинг моддий ва ижтимоий-маданий жиҳатларини ўлчаш зарурати илмий асосланди.

Калим сўзлар: камбағаллик ҳажми, камбағаллик чегараси, яшаш (тирикчилик) минимуми, минимал яшаш даражаси стандарти, оқилона минимумга мос фаровонлик.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ОПРЕДЕЛЕНИЮ И ОЦЕНКИ УРОВНЯ БЕДНОСТИ

*Сатторов Ихтиёр Очилович -
Университет международной экономики и дипломатии*

Аннотация. В статье раскрыта важность определения и уровня бедности, теоретически изучены абсолютный, относительный, субъективный и многомерный подходы в мировой практике измерения уровня бедности, необходимость комплексной оценки бедности для измерения уровня бедности. Кроме того, научно обоснованы материальные и социокультурные аспекты бедности.

Ключевые слова: размер бедности, черта бедности, прожиточный минимум, минимальный уровень жизни, рациональный минимум благополучия.

METHODOLOGICAL APPROACHES OF DETERMINING AND ASSESSING
THE LEVEL OF POVERTY

*Sattorov Ikhtiyor Ochilovich -
University of international economics and diplomacy*

Abstract. The article revealed the importance of the level of poverty and its determination, the absolute, relative, subjective and multidimensional approaches in the world practice of measuring the level of poverty were theoretically studied, the need for a comprehensive assessment of poverty to measure the material and socio-cultural aspects of poverty was scientifically justified.

Key words: size of poverty, poverty line, living (subsistence) minimum, minimum standard of living, rational minimum of welfare.

Кириш. Иқтисодиётнинг муҳим элементи бўлган репродуктив тизимнинг ўзига хос хусусияти бу унинг қайта барпо бўлиши ҳисобланиб, бу тизимдаги иқтисодий маҳсулдорлик аҳоли даромадлари билан боғлиқ бўлмоқда. Чунки аҳоли даромадлари иқтисодиётда такрор ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳаётда фаровонлик, турмуш сифатини ўзида ифодалайди. Шу сабабли камбағаллик даражасини аниқлаш мезонларида аҳоли даромади омили устуворликка эга бўлади.

Камбағалликни ўлчаш 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришнинг миллий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, бу аҳолининг камбағаллик даражасини кенг миқёсда қисқартиришни назарда тутмоқда. Ушбу мақсадга эришиш самарадорлигини мониторинг қилиш амал-

даги баҳолаш усуллари такомиллаштиришни, шунингдек, миллий ва халқаро миқёсда долзарб ва таққосланадиган янги мезонларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда камбағаллик, уни қисқартириш масаласи ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишига айланмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш даражасининг кескин тушиб кетилишининг олдини олиш, айни пайтда кишиларнинг даромад манбаларига эга бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш комплекс масала сифатида юзага чиқмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Камбағаллик даражаси даромаднинг қайта тақсимланиш кўлами ва йўналиши, солиқ тизимининг тузилиши, нафақа тизимининг таъминланиши

ва бошқа омиллар таъсири натижасида шаклланади.

Камбағаллик яшаш учун етарли минимал даромад даражасидир. Ривожланган мамлакатларда камбағаллар, одатда, даромадларининг 1/3 қисмини озик-овқатга сарфлашади. Ғарб стандартлари бўйича бу қийматни 3 марта ошириб, яшаш учун етарли минимал даромад даражасини – яшаш (тирикчилик) минимумини аниқлаш мумкин[1].

Шу билан бирга, камбағаллик ҳолат сифатида ифодаланиб, муайян вақт давомида моддий ресурсларнинг етишмовчилиги, жамиятда қабул қилинган бирламчи ёки минимал ҳаётий шарт-шароитларнинг мавжудлиги ва нормал турмуш тарзини юритиб бўлмайдиган ҳолат ёки фавқулоддаги қийинчиликлар шароитидир.

Камбағаллик чегараси эса реал даромадларнинг минимал даражаси бўлиб, муайян давлат фуқаросига муайян давр мобайнида энг асосий моддий эҳтиёжларини қондириш ва муайян харажатларни қоплаш даражаси, яъни яшаш минимумининг таъминланганлиги билан ифодаланилади.

Камбағалликни қисқартириш ёки ижтимоий-иқтисодий ислохотлар орқали камбағалликни енгиб ўтиш учун, биринчи навбатда, камбағаллик даражасини аниқлаб олиш, яъни ушбу йўналишдаги давлат сиёсати қаратилган объектларни тўғри аниқлай олиш соҳага оид давлат сиёсатининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи бирламчи омил ҳисобланади.

Камбағаллик даражасини аниқлашнинг муҳимлигини яна қуйидагиларда кўриш мумкин:

мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш;

ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини баҳолаш;

аҳолининг ижтимоий фаровонлиги ва турмуш даражаси тўғрисида хулоса чиқариш;

жамиятнинг табақаланиш кўрсаткичлари тўғрисида хулоса чиқариш;

камбағаллик даражасини аниқлаш орқали мамлакатдаги инсон капитали ҳолатига баҳо бериш;

аҳолининг иқтисодий фаоллиги ва социал мобиллик даражасини баҳолашга кўмаклашиш;

аҳолининг маданият даражаси, миллатнинг маънавияти ва психологияси тўғрисида кенгроқ хулоса чиқариш.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатни олиб боришдаги устувор вазифаларидан бири жамиятда камбағаллик даражасини камайтиришдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, ушбу вазифанинг ижросини таъминлаш учун дастлаб камбағаллик даражасини баҳолаб олиш лозим.

Шу ўринда, қоида тариқасида, камбағалликни қисқартиришни тадқиқ қилишдан олдин уни аниқлаш учун аҳоли гуруҳлари кесимида қуйидаги йўналишдаги маълумотлар[2] зарур:

оила аъзоларининг хусусиятлари: ёши, жинси, миллати, маълумоти ва соғлиғи;

уй хўжалигининг демографик хусусиятлари: оила бошлигининг жинси, қарамоғидаги кишилар ёшининг катталиги ва нисбати (меҳнатга лаёқатли катталар сонига болалар ва қариялар сони);

мулкка оид: ер, чорва моллари, ресурслари ва ижтимоий капитал;

фаолиятга оид: фаолият соҳаси, сотиладиган экинлар, бандлик тури;

манзилга оид: вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, маҳалла, хонадон;

коммунал хизматлардан фойдаланиш: электр энергияси, сув таъминоти, соғлиқни сақлаш, мактаб, ижтимоий ёрдам дастурлари;

бозорга ва хусусий хизматларга оид: бозоргача бўлган масофа, йўл инфратузилмаси, молиявий хизматлардан фойдаланиш.

Камбағаллик даражасини аниқлашга оид турли методик ёндашувлар иқтисодий фанлар, социологик фанлар, сиёсий фанлар кесимида мавжуд бўлиб, улар миллий ва халқаро даражада бир-биридан фарқланади. Миллий даражадаги ёндашувларнинг ўзига хослиги аҳолининг даромад даражаси ва эҳтиёжлари билан боғлиқ. Шу билан бирга, илмий давраларда камбағаллик даражасини аниқлашга оид меъёрий ёндашувни белгилашда “оқилона минимумга мос фаровонлик” тушунчасидан фойдаланилади[3]. Бу ердаги илмий муаммо бу оқилона минимум фаровонлигини ҳисоблашдаги қийинчиликлар билан боғлиқ. Шу сабабли камбағаллик даражасини аниқлашда методларнинг хилма-хиллиги ҳам “оқилона минимум фаровонлик” тушунчасига ёндашувларнинг турличалиги билан боғлиқ.

Бундан ташқари камбағаллик даражасини аниқлашда “камбағаллик чегараси” ва “камбағаллик ҳажми” деган тушунчалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. “Камбағаллик чегараси” ўз ўрнида “оқилона минимум фаровонлик” тушунчаси амалдаги ифодаси орқали шакллантирилади. Жами аҳоли улушида мана шу чегарадан паст аҳолининг улуши эса “камбағаллик ҳажми”ни ўзида ифодалайди. Шу нуқтаи назардан қаралганда “оқилона минимум фаровонлик” тушунчаси миллий давлатлар кесимида турлича ифодаланади. Қолаверса, оқилона минимум фаровонлик чегарасини чизиш учун аҳолининг асосий эҳтиёжлари (баъзи манбаларда бирламчи эҳтиёжлар)ни ва унинг статистик қийматини аниқлаш зарурати юзага келади.

Таҳлил ва натижалар. Камбағаллик даражасини ўлчашнинг жаҳон амалиётида *мутлақ*,

нисбий, субъектив ва кўп ўлчовли ёндашувлар мавжуд. Уни аниқлашга оид иқтисодий ёндашувларда юқоридаги методларни қўллашда монетар ва номонетар баҳолаш инструментларидан фойдаланилади. Ушбу методларнинг амалиётда қўллаш жараёнини қуйида батафсил кўриб чиқамиз.

Камбағаллик даражасини аниқлашда мутлақ ёндашув. Мутлақ камбағалликни ўлчаш учун Роунтри, Оршанский, Энгель каби методлардан фойдаланилади. Таунсенд методи эса ҳам мутлақ, ҳам нисбий камбағалликни ўлчашда қўлланилади. Камбағалликнинг мутлақ чегарасини ҳисоблаш истеъмол саватидан келиб чиққан ҳолда аниқланиб, ушбу методология С.Роунтри (1901 й.) томонидан таклиф қилинган. Бунда камбағаллик чегараси керакли бўлган энг зарур товарлар (озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой)нинг минимал тўплами аниқланиб, у орқали камбағаллик даражаси баҳоланади. Минимал истеъмол саватидан фойдаланишнинг меъёрий усулини қўллашда истеъмол саватининг инсон саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларнинг минимал тўплаларидан фойдаланилади.

Бошқа ҳолатда, камбағаллик чегараси Энгель коэффиценти асосида аҳолининг умумий истеъмол харажатларида озиқ-овқатга сарфланган улуш аниқланади. Истеъмол даражаси орқали камбағаллик чегарасини белгилашда энг кўп қўлланиладиган ёндашув бўлиб, ушбу усул доирасида назорат гуруҳи сифатида уй хўжалиқларидан иборат гуруҳлар шакллантирилади ва аҳоли даромадлари кесимида озиқ-овқат харажатларининг улуши ҳисоблаб чиқилади. Ушбу методология дастлаб Молли Оршанский (1961 й.) томонидан Америка Қўшма Штатларида камбағаллик чегараларини аниқлаш давомида илмий асосланган ва самарали фойдаланилган. Шу сабабли Энгель коэффиценти баъзан Оршанский коэффиценти деб ҳам аталади. Дунёнинг турли мамлакатлари аҳолисининг турмуш даражасини мониторинг қилиш қуйидаги қонуниятни аниқлаш имконини берди[4]: агар Энгель коэффиценти 60 фоиз бўлса, у ҳолда мамлакат камбағал деб таснифланади: 50-60 фоиз – эҳтиёжлар деярли қондирилмайди; 40-50 фоиз – ўртача фаровонлик даражаси билан; 30-40 фоиз – нисбатан бадавлат аҳоли; 20-30 фоиз – бой аҳолиси бўлган мамлакат; 20 фоиз ёки ундан камроқ бўлса, бу ҳаддан ташқари фаровон жамият ҳисобланади.

Мутлақ камбағаллик даражасини баҳолаш учун камбағаллик чегараси сифатидаги энг кам истеъмол саватининг қиймати норматив ва норматив-статистик методлар билан белгиланади. Норматив методга мувофиқ истеъмол саватига

киритилган барча озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар учун истеъмол нормалари белгиланади. Норматив-статистик методга кўра, фақат озиқ-овқат қисми меъёрлар бўйича, ноозиқ-овқат қисми эса кам таъминланган аҳоли харажатлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларга сарфланган улушдан келиб чиққан ҳолда уй хўжалиқлари бюджети сўровлари бўйича аниқланади.

Озиқ-овқат камбағаллик чегарасини ҳисоблаш учун қулай ва кўплаб мамлакатларда оилалар ёки шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдам дастурларига киритиш учун мезон бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, иқтисодийнинг норасмий сектори юқори даражада бўлган мамлакатларда камбағалликни ўлчаш мезони сифатида аҳоли даромадларидан фойдаланиш қийиндир. Бундай ҳолларда истеъмол харажатлари ёки истеъмол кўрсаткичлари қўлланилади.

Дунё бўйлаб яшаш нархидаги фарқлар ошгани сайин вақти-вақти билан янгиланиб турадиган мутлақ камбағалликнинг халқаро даражаси ҳисоблаб чиқилади. Кўрсаткич барча мамлакатлардаги камбағаллик даражасини ягона стандарт асосида баҳолайди. Жаҳон банки томонидан 1990 йилда ишлаб чиқилган халқаро мутлақ камбағаллик чегарасини ҳисоблаш методологияси жаҳоннинг энг қашшоқ мамлакатларидаги миллий камбағаллик даражаси ва уларни валюта курслари ва харид қобилияти паритети (ХҚП) ёрдамида ягона валютага конвертация қилишдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. ХҚП асосидаги валюта курслари бир хил миқдордаги товарлар ва хизматлар нархи барча мамлакатларда эквивалент бўлиши учун ҳисобланади. Ушбу энг қашшоқ мамлакатларнинг олтита-сида ягона валютага қайта ҳисоблаш ушбу мамлакатларнинг барчаси учун камбағаллик даражаси кунига бир киши учун тахминан 1 АҚШ долларини ташкил этишини кўрсатди. Ушбу кўрсаткич камбағалликнинг биринчи халқаро кўрсаткичи учун асос сифатида қабул қилинди. 2005 йилда энг қашшоқ 15 мамлакат асосида худди шундай қайта ҳисоблаш камбағаллик даражаси кунига бир киши учун 1,25 АҚШ долларини ташкил этишини кўрсатди. 2015 йил октябрь ойидан бошлаб халқаро камбағаллик чегараси 1,90 АҚШ долларига кўтарилди. 2022 йил сентябрь ойидан бошлаб[5] бир кунга одам бошига 1,90 АҚШ долларидан 2,15 АҚШ долларига ошди. Ривожланишнинг ўзига хослиги ва босқичларини ҳисобга олган ҳолда, “паст ўрта даромадли мамлакатлар” учун камбағаллик чегараси кунига 3,2 АҚШ доллари ва “ўрта даромадли мамлакатлар” учун кунига 5,5 АҚШ доллари миқдоридан белгиланади.

Ушбу ёндашувни амалиётда қўллаш учун илмий асосланган минимал истеъмол савати ҳукумат томонидан тасдиқланиши лозим. Истеъмол савати норматив ва норматив-статистик методлар орқали шакллантирилади ва илмий асосланади. Норматив методнинг ўзига хослиги шундаки, инсоннинг физиологик хусусиятларидан келиб чиқиб, зарур маҳсулотларнинг меъёрлари ишлаб чиқилади. Амалиётда ушбу усулни қўллашнинг мураккаблиги шундаки, меъёр сифатида белгиланган товар ва хизматларнинг нархини доимий кузатиб бориш ва улар асосида истеъмол саватчасининг қийматини доимий ўзгартириб боришга тўғри келади. Норматив-статистик метод эса М.Оршанский методига асосланади. Бунда камбағаллик мезони озиқ-овқат савати нархидан уч барабар қиймат билан белгиланади. Яъни озиқ-овқат савати нархи 3 мартага кўпайтирилади ва ундан паст даромад оладиган фуқаролар камбағал саналади. Ўзига хослиги шундаки, озиқ-овқат савати оқсиллар, углеводлар, ёғлар ва калорияларга минимал эҳтиёжни таъминлайди, яъни норматив методга асосланиб шакллантирилади. Кейинчалик камбағаллик чегараси ёш ва уй хўжаликлари сонига қараб ўрнатилади. Қоида тариқасида, фуқароларнинг ўртача ойлик даромади энг кам истеъмол савати нархидан юқори бўлиши керак. Дунёда кўпчилик давлатлар ушбу кўрсаткичга эришган ва улар учун камбағалликни аниқлашнинг мутлақ ёндашувини қўллаб бўлмай қолди. Натижада камбағалликни аниқлашга оид концепциялар такомиллашиб, нисбатан ривожланган мамлакатлар учун камбағаллик даражасини аниқлашнинг нисбий ёндашувига оид илмий қарашлар шаклланди.

Камбағаллик даражасини аниқлашда нисбий ёндашув. Бу камбағалликни нисбий категория сифатида тушунишга асосланади. Муайян жамиятдаги яшаш андозалари даражасидан паст

даромадли ва жамиятда кенг тарқалаган ҳаётий турмуш тарзини юрита олмайдиган камбағал оилалар турмуш тарзи эътибор марказида бўлади. Ушбу ҳолатда “оиланинг ўртача жон бошига” тўғри келадиган кўрсаткичлари олинади. Бунда давлатдаги ўртача жон бошига тўғри келадиган даромаднинг тўртдан бир қисмига тўғри келадиган даромадлилар қашшоқлар қатлами ҳисобланади.

Ушбу ёндашувни содда тилда маълум бир жамият меъёрлари даражасида яшай олмаслик деб таърифлаш мумкин. Масалан, Европа давлатларида мамлакатдаги ўртача даромаднинг 60 фоиздан кам даромадга эга бўлган киши камбағал деб ҳисобланади. Яъни нисбий камбағаллик даражасини ўлчаш учун мамлакатда аҳолининг аҳоли жон бошига ўртача даромади (ёки харажатлари)нинг ўртача арифметик кўрсаткичи ёки медианаси камбағаллик чегараси сифатида ишлатилади ва мезон сифатида аҳолининг жон бошига ўртача даромади олинади.


Нисбий ёндашув орқали камбағаллик даражасини аниқлашда Лоренс эгри чизиғи, Жини коэффициентини, Даромадлар тақсимланишининг Квинтиль ва Децил гуруҳлари ўртасидаги ёндашувлардан фойдаланилади.

Даромадларнинг персонал тақсимланиши нотенглигини ўлчаш бўйича Парето-Лоренц-Жини методологияси қуйидагилардан иборат:

даромадларни персонал тақсимлаш барқарор нотенглиги (Парето коэффициенти);

даромадларнинг нисбий кўрсаткичи (бойлик) ва уларни олувчилар сони билан қайта боғлиқлиги (Лоренц эгри чизиғи);

нотенглик даражаси (концентрация даражаси) ҳақиқий тақсимот эгри чизиғини қамраб олувчи фигура юзасининг математик миқдори, ОАБ учбурчагининг юзасига мос келади (Жини индекси) (1-расм).



Биссектриса ОА даромадларни тақсимлашнинг абсолют тенглигини кўрсатади.

Эгри чизиқ 1 – солиқ тўлагунга қадар даромадларнинг ҳақиқий тақсимланишини кўрсатади.

Эгри чизиқ 2 – солиқ тўлангандан кейин;

Эгри чизиқ 3 – трансферт тўловларини ҳисобга олган ҳолда.

1-расм. Даромадлар концентрацияси эгри чизиғи

Ушбу ёндашув тўғрисида илмий тадқиқ қилинганда, қуйидаги тушунчаларни таҳлил қилиш лозим:

трансферт тўловлари – бир томоннинг (асосан, давлатнинг) бошқа томонга (асосан, аҳоли ёки унинг маълум гуруҳларига) пул, товар ҳамда хизмат кўринишидаги қоплашларсиз тўловлари;

тенгсизлик даражасини тавсифлаш учун Лоренц эгри чизиғи ва Джинни индексидан фойдаланилади;

Лоренц эгри чизиғи – мамлакатнинг энг камбағал қатламларидан тортиб энг бой қатламларигача бўлган аҳоли турли қатламларининг бир йил давомида олган умумий даромади графиги;


Жини коэффициентини – Лоренц эгри чизиғи ва мутлақ тенглик чизиғи ўртасидаги ҳудуд улуши (0 %-100 % ёки 0-1 кўринишида ўлчанади). Жини коэффициентини даромадларнинг мамлакат аҳолиси ўртасидаги абсолют тенг тақсимоти билан ҳақиқий (амалдаги) тақсимот орасидаги фарқ (оғишиш) даражасини кўрсатади. Даромадлар тенг тақсимланганда, коэффициент 0 га яқинлашади. Демак, кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, жамиятда даромадлар шунчалик нотекис тақсимланган бўлади. Бунда чегаравий қиймат 0,4 деб қабул қилинган;

Дециль коэффициентини – энг бой 10 фоиз аҳоли даромадининг энг камбағал 10 фоиз аҳоли даромадига нисбати. Мазкур кўрсаткич бўйича чегаравий қиймат 10 баробаргача қилиб белгиланган;

Квинтиль коэффициентини – энг бой 20 фоиз аҳоли даромадининг энг камбағал 20 фоиз аҳоли даромадига нисбати. Мазкур кўрсаткич бўйича чегаравий қиймат 5 баробаргача қилиб белгиланган.

Айтиб ўтиш жоизки, яшаш (тирикчилик) минимуми – жисмонан яшаб қолиш учун лозим даромад даражаси эмас, яъни жисмоний минимум эмас. Яшаш минимуми ёки камбағаллик чегараси бизга яшаб қолиш чегарасини кўрсатмайди, балки минимал яшаш даражаси стандартини кўрсатади. Табиийки, бу стандарт турли давлат ва халқларда турлича бўлади, ўз навбатида бир давлатда турли тарихий даврларда ҳам турлича бўлиши мумкин.

Нотенгликни ўлчашдаги энг машҳур ва энг кўп қўлланиладиган усул Лоренц эгри чизиғи дейилади. Бу ном америкалик иқтисодчи ва социолог Макс Лоренц билан боғлиқ. Лоренц эгри чизиғи жамиятдаги умумий даромадни маълум ижтимоий гуруҳлар ва аҳоли даромадлари билан фарқлайди.



2-расм. Лоренц эгри чизиғи

2-расмда горизонтал ҳолатда аҳоли гуруҳларининг фоизи, вертикал ҳолатда гуруҳлар даромади фоизи кўрсатилган. Агарда даромадларни тақсимлашда мутлақ тенглик бўлганда, 20 фоиз аҳоли жамиятдаги жами даромаднинг 20 фоизини, 40 фоиз аҳоли 40 фоизни, 80 фоиз аҳоли 80 фоизни тасарруф этган бўлар эди. Шу тариқа OE чизиғи даромаднинг бўлинишидаги мутлақ тенгликни кўрсатади.

Мутлақ тенгсизлик шуни англатадики, 20 фоиз, 40 фоиз, 60 фоиз ва бошқаларда аҳоли даромад олмайди, истисно тарзида бирдан-бир сўнгги қатордаги (OF чизиғи) кичик гуруҳ 100

фоиз даромадни ўзлаштиради. OE синиқ чизиғи мутлақ тенгсизлик чизиғидир.

Амалда даромадлар бўлиниши OABCDE чизиғи билан кўрсатилган. Ушбу Лоренц эгри чизиғида қанчалик OE оғса, даромадлар тақсимланишида тенгсизлик кўп учрайди. Агар штрихланган майдонни учбурчак OFE бурчагига бўлсак, даромадлар тақсимланишидаги тенгсизлик натижаси чиқади. Агар штрихланган майдонни T ҳарфи билан белгиласак, унда қуйидаги муносабатни кўрамай:

$$G=T/OFE$$

G – kўrsatkichi dаражаси даромадлар тенг тақсимланмаганини кўрсатади.

Амалиётда камбағалларни “маъмурий” аниқлаш кенг тарқалган. Бу ҳолатда ижтимоий сиёсат йўналишида яшаш минимуми деярли аҳамият касб этмайди, “камбағаллар” мақоми қашшоқланишга энг кўп мойиллиги бўлган аҳолининг алоҳида тоифаларига берилади (масалан, кўп фарзандли оилалар, ёлғиз оналар ва нафақахўрлар).

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда камбағалликнинг аниқ ўлчовини амалга ошириш ўта мураккаб, яъни яшашнинг реал шароитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган буюмларнинг

мавжудлиги, иккинчи (қўшимча) даромад манбаининг улуши, реал даромадлар ва ҳоказо тўғрисидаги аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Шу боис камбағалликни ўлчашнинг камида уч муқобили мавжуд:

амалдаги статистик модель – қабул қилинган нормативлар асосида миқдорий услублар билан камбағаллик даражасини ўрганиш;

статистик таҳлилнинг кенгайтирилган (масалан, бир қатор аниқлик киритувчи коэффициентлар ёрдамида) моделини қўллаш;

статистик таҳлил қўллаши мумкин бўлган омили таҳлил воситасида камбағаллик ҳолати ва даражасини ўрганиш.

1-жадвал

Аҳолининг табақаланиш ҳолати индикаторлари

№	Индикаторлар	Ўлч. бирл.	Нормал ҳолат	ИО1	ИО2	ИО3	И1	И2	И3
1.	Камбағаллик даражаси	%	10 дан кам	10	12	15	20	25	30
2.	Табақаланиш коэффициенти (Квинтиль коэффициенти)	марта	5 дан кам	5	7	10	15	20	25

Манба: Индикаторларнинг чегаравий қийматлари халқаро ташкилотлар, экспертлар ва илмий тадқиқот натижалари асосида шакллантирилди.

Дециль ва Квинтиль коэффициентлари бўйича кўрсаткичларни доимий кузатиб бориш нафақат аҳоли ўртасидаги даромадлар бўйича тенгсизлик даражасини аниқлаш, балки олиб борилаётган ижтимоий ҳимоя самарадорлигини аниқлаш учун ҳам зарурдир.

Нисбий камбағаллик чегараси жамиятда мавжуд бўлган истеъмол стандартининг нисбий таъминланганлиги билан боғлиқ. Стандартдан четга чиқиш депривация деб аталади. Истеъмол стандарти даромадлар ва харажатлар миқдори орқали баҳоланади. Шу билан бирга, камбағаллик чегараси мамлакатдаги ўртача даромаднинг 40-60 фоизда олинади.

Умуман олганда, камбағалликни аниқлашда нисбий ёндашув ўзига хослиги жисмоний омон қолиш моделини рад этиш билан изоҳланади ва мутлақ (чизиқли) ёндашувнинг камчиликларини ўзида ёпиб кетади. Шу билан бирга, ушбу ёндашув, асосан, ривожланган мамлакатлар учун мўлжалланган бўлиб, фаровонликнинг нисбий жиҳатини ўзида ифодалайди.

Камбағаллик даражасини аниқлашда субъектив ёндашув. Уй хўжаликларидаги камбағаллик кўрсаткичи камбағалликнинг юқори концентрацияси сифатида қаралади. Ушбу ёндашув Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ва Европа Иттифоқи статистика хизмати (Eurostat) томонидан қўлланилади. Ушбу ёндашувни ривожлантиришга энг катта ҳисса П.Таунсенд (1870 й.) томонидан қўшилган бўлиб,

у камбағаллик даражасини эмпирик тадқиқотлар ва экспертлар орқали аниқлади. Бу, ўз навбатида, иқтисодий жамоатчилик томонидан кўплаб танқидларга сабаб бўлди. Нисбий қашшоқлик чегарасини ўлчаш эквивалентлик шкаласи билан боғлиқ бўлса, субъектив ёндашувда индивидуал баҳолар (респондентлар баҳоси)га боғлиқ бўлади. Бу ёндашувнинг афзалликларидан бири статистик маълумотлар ва аҳоли даромадларини мониторинг қилиш билан боғлиқ муаммоларни чеклаб ўтиш мумкинлиги билан ифодаланилади. Салбий жиҳати шундаки, ушбу ёндашув кўп жиҳатдан инсон психологиясига боғлиқ бўлиб қолади, яъни баъзи жамиятларда шахс реал ҳолатда камбағаллик даражасидан паст ҳолатда турмуш кечирса ҳам ўзини камбағал ҳисобламайди.

Субъектив қашшоқлик чегараси аҳолининг шахсий баҳоларига асосланади. Ушбу ёндашувда аҳолининг моддий ва молиявий аҳволи, уй-жой учун тўлаш қобилияти ва ҳоказолар субъектив камбағаллик чизиғи асосида баҳоланади. Ҳисоб-китоблар мамлакатдаги ҳар қандай мутлақ стандартларга ёки аҳоли жон бошига даромаднинг ўртача кўрсаткичларига асосланмайди.

Ушбу ёндашувнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, субъектив ёндашувдан бошқа ёндашувларда камбағалликнинг у ёки бу даражасини ҳисоблашда монетаристик методлар орқали ҳисобланади. Бунда аҳолининг яширин даромади

ҳисобга олинмайди. Субъектив ёндашувда эса иррационал моделлар ҳам ҳисобга олинади. Яъни мамлакатда яширин иқтисодиётнинг ўрнига қараб расмий ҳисоб-китоблар асосида аҳоли гуруҳларини камбағаллик даражаларига ажратишда айрим тоифадаги аҳоли гуруҳлари реал ҳолатда камбағал ҳисобланмаса-да, меъёрий ҳолатда унинг расмий даромадлари камбағаллик чизиғидан пастда бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли барча ёндашувларни ўзида мужассам этган камбағалликни баҳолашнинг кўп мезонли даражасини комплекс ишлаб чиқиш зарур.

Камбағаллик даражасини аниқлашда кўп ўлчовли ёндашув. Ушбу ёндашув Алкире-Фостер томонидан кўп ўлчовли камбағаллик индекси сифатида илмий давраларга кириб келган. Уни аниқлашда норасмий иқтисодиётнинг устунлиги, шунингдек, даромад ва истеъмол бўйича ишончли маълумотларнинг йўқлиги сабабли кам ривожланган мамлакатларда қўлланилади. Шу билан бирга, ушбу ёндашув орқали камбағаллик чегарасини аниқлашга оид ҳисоб-китобларда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, бандлик ва турмуш шароитлари каби соҳалардаги баъзи кўрсаткичларнинг ноаниқлиги ҳам ушбу ёндашувни амалда қўллашда қийинчиликлар туғдиради.

Кўп ўлчовли камбағаллик индексини аниқлаш бўйича ишлар бир неча босқичда амалга оширилади. *Биринчи босқичда*, мақсадли гу-

руҳлар аниқланади. Масалан, оилалар, шахслар, аҳолининг заиф қатламлари (ногиронлар, етимлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотганлар, ишсизлар ва бошқалар). *Кейинги босқичда* ижтимоий соҳалар – соғлиқ, таълим, яшаш шароитлари аниқланади. Кейин танланган йўналишлар учун энг характерли кўрсаткичлар танланади (масалан, “соғлиқни сақлаш” соҳаси кесимида баҳолаш учун овқатланиш, болалар ўлими, “таълим” соҳаси кесимида таълим билан қамров даражаси, таълим давомийлиги, “яшаш шароитлари” кесимида эса электр энергияси, ичимлик суви, канализация, коммунал хизматлардан фойдаланиш, мулкка эгалик, уй-жойнинг ҳолати). Ҳар бир кўрсаткич кесимида мақсадли гуруҳлар танлаб олиниб, улардан социологик сўров ўтказилади. Ҳисоб-китоблар натижаларига кўра, агар эркин индекс 20 фоиздан 30 фоизгача бўлса, шахс камбағаллик чегарасида; агар индекс 30 фоиз ёки ундан кўп бўлса, камбағал ҳисобланади; ва агар у 50 фоиз ёки ундан кўп бўлса, ўта камбағал ҳисобланади. Юқорида ёритиб ўтилган мониторинг методларидан фарқли ўлароқ, кўп ўлчовли камбағаллик аҳоли ҳаётининг бошқа ёндашувлар билан баҳолаб бўлмайдиган жиҳатларини қамраб олади.

Камбағаллик даражасини аниқлашда халқаро даражада тан олинган 5 та ёндашув мавжуд (2-жадвал).

2-жадвал

Камбағаллик даражасини аниқлашдаги ёндашувлар

№	Камбағаллик мезонлари	Камбағаллик чегараси
1.	Кундалик даромад мезони бўйича халқаро камбағаллик даражаси	3,2 АҚШ доллари 5,5 АҚШ доллари
2.	Минимал истеъмол мезони бўйича камбағалликнинг мутлақ даражаси	жон бошига бир кунда истеъмол 2100 ккал
3.	Ўртача ойлик даромад мезони бўйича камбағалликнинг нисбий даражаси	бир ойда республикадаги ўртача ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан кам даромад олиши
4.	Ўртача жон бошига даромад мезони бўйича камбағаллик даражасини субъектив баҳолаш	жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ўртача энг кам ойлик иш ҳақига нисбати. Мезон бўйича 52,7 фоиздан кам бўлиши камбағаллик даражасини билдиради
5.	Кўп ўлчовли камбағаллик индекси	таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат бозорида иштирок этиш, яшаш шароитлари, истеъмолнинг минимал чегараси билан

Камбағаллик даражасини аниқлашга оид назарий ёндашувлар. Шу ўринда таъкидлаш керакки, камбағаллик даражасини аниқлашга оид ёндашувларни 3 та гуруҳга ажратиш мумкин. *Биринчи гуруҳ* ёндашувлари халқаро ташкилотлар томонидан умумқабул қилинган ёндашувлар бўлса, *иккинчи гуруҳ* миллий даражадаги ёндашувларни ўз ичига олади. Биз юқорида ушбу икки гуруҳга оид ёндашувларни ёритиб ўтдик. Қуйидаги *учинчи гуруҳда* эса етакчи

олимлар томонидан камбағаллик даражасини аниқлашга оид назарий ёндашувларга тўхталиб ўтамыз.

Камбағаллик даражасини аниқлашга оид кўплаб назарий ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар орасидан И.Сидорчук томонидан қуйидаги мезонлардан фойдаланган ҳолда камбағалликни аниқлаш таклиф этилган: яшаш жойининг бўлиши, тўлақонли овқатланиш ва ичимлик сувига эгалик, минимал таълим олиш имконияти ва

соғлиқни сақлаш имконияти[6]. И.Сазанов камбағаллик категорияси дастлаб XIX асрнинг охирлари XX асрнинг бошланишида С.Роунтри ва Ч.Бута томонидан фанга олиб қирилганлигига эътибор қаратади[7]. Ушбу олимлар яшаш минимуми – камбағаллик ва даромад чегарасини фанга олиб киришади. Экспертлар ушбу ҳолатда озиқ-овқат, кийимлар ва яшаш шароити бўлишини мезонлар сифатида қарашган.

Г.Кошарная ва Л.Каримова аҳолининг турмуш фаровонлиги орқали камбағаллик даражасини аниқлашни таклиф этади[8]: *фаровонлик* – жисмоний ва интеллектуал имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш орқали ривожланганлик ҳолати; *камбағаллик* – меҳнатга лаёқатли бўлиш ва истеъмол миқдорини сақлаб қола олиш; *қашшоқлик* – истеъмолнинг минимал даражаси бўлиб, унда инсон фақат биологик эҳтиёжларини таъминлай олади.

Юқорида келтирилган илмий хулосаларда камбағаллик даражасини аниқлашга қаратилган ёндашувлар келтирилди. Уларда асосий эътибор ҳаёт даражасини белгилаб берувчи омиллар – яшаш шароити, овқатланиш ва кийим билан таъминланганлик каби жиҳатларга қаратилди. Бу эса Д.Рахмонов таъкидлашича[9], ушбу товар ва хизматларни сотиб олиш учун минимал даромад даражасини белгилашнинг заруратини келтириб чиқаради.

Шу ўринда Д.Рахмонов камбағалликни аниқлашга ёрдам берадиган омил сифатида даромадларнинг шаклланишига эътибор қаратиш муҳим, деб ҳисоблайди[9]. Бу эса камбағалликни бартараф этишда асосий роль ўйнайди: жумладан, таълим тизимини ва инсонларни қизиқиши доирасида касбга йўналтиришни ривожлантириш.

Шу билан бирга, камбағаллик даражасини аниқлашда умумқабул қилинган ва илмий исботини топган назарий қонуниятлардан ҳам фойдаланилади. Хусусан, ишсизлик даражаси 1 фоизга ошса, камбағаллик даражаси 5,5 фоизга ошади. Бундан ташқари 5 ва ундан ортиқ аъзога эга бўлган оилаларда 3 та аъзо бўлган оилаларга нисбатан камбағаллик даражаси 30 фоизга юқори бўлиши илмий тадқиқотлар орқали асосланган.

Шунингдек, камбағаллик даражасини аниқлашга оид қуйидаги индекслардан фойдаланилади:

1. Камбағаллик индекси:

$$P_0 = g / n$$

2. Камбағалликнинг чуқурлик индекси:

$$P_1 = \sum g_i / n[z - y_i / z]$$

3. Камбағалликнинг таҳдидга айланиш даражасини баҳолаш индекси:

$$P_2 = \sum g_i / n[z - y_i / z]^2$$

4. “Сен”нинг камбағаллик индекси:

$$S = P_0(I_d + (1 - I_d)G_p)$$

Бу ерда: g – камбағаллик чегарасидан кам даромад оладиган аҳоли сони; n – аҳолининг умумий сони; y_i – камбағаллик чегарасидан кам даромад оладиган аҳолининг даромади; z – камбағаллик чизиғи; P_0 – камбағаллик индекси; P_1 – камбағалликнинг чуқурлик индекси; P_2 – камбағалликнинг таҳдидга айланиш даражасини баҳолаш индекси; S – “Сен”нинг камбағаллик индекси; I_d – камбағаллар даромадидаги ўртача дефицит; G_p – Жинни коэффициенти.

Юқорида айtilганларга асосланиб, шуни таъкидлаш керакки, камбағалликни объектив баҳолаш учун бир-бирини тўлдирувчи мезонлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, барча белгиланган камбағаллик мезонларига жавоб берадиган шахсларни ўта камбағал деб ҳисоблаш мумкин.

Камбағалликни баҳолаш учун турли кўрсаткичлар қўлланилади, энг оддий ва энг кўп қўлланиладиган камбағаллик индекси, яъни камбағаллик чегарасидан паст даромадга эга бўлган уй хўжалиklarининг улуши қуйидаги формула бўйича аниқланади[10]:

$$H = q/n$$

Бу ерда: H – камбағалликнинг умумий кўрсаткичи; q – камбағал уй хўжалиklари сони; n – умумий аҳоли сони.

Камбағаллик энг батафсил синтетик индекслар билан тавсифланади. Уй хўжалиklarининг камбағаллик даражасини, уларнинг моддий таъминланмаганлик даражасини, шунингдек, кам таъминланган уй хўжалиklarининг даромадлари бўйича табақаланиш даражасини аниқлайдиган кенг қўлланиладиган бундай индекс Амартия Сен индексидир.

Қуйидаги ҳисоблаш[11] формула бўйича амалга оширилади:

$$S = L (N + d/P * G_p),$$

бу ерда: L – камбағаллар улуши; N – камбағаллик чегарасига нисбатан фоиз сифатидаги ўртача даромад фарқи; d – камбағал уй хўжалиklarининг ўртача даромади; P – камбағаллик чегараси; G_p – камбағал уй хўжалиklари учун Джини коэффициенти.

Камбағалликни унинг жиддийлиги ва чуқурлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама баҳолаш имконияти Джеймос Фостер, Джоэл Гриер ва Эрик Торбек томонидан ишлаб чиқилган кўрсаткичлар тизими билан таъминланади. Синтетик FGT индекси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$FGT = 1/N \sum_{n=1}^q ((Z - Y_i)/Z)^Q$$

Бу ерда: Y_i – аҳоли жон бошига даромад; Z – яшаш минимуми (камбағаллик чегараси); N – алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳнинг катталиги; n – камбағаллар сони; Q – индекс даражаси.

Хулоса ва таклифлар. Камбағалликнинг барча кўринишларида тўлиқ кўриб чиқишга имкон берадиган камбағалликни комплекс баҳолаш камбағалликнинг моддий ва ижтимоий-маданий жиҳатларини ўлчашни ўз ичига олиши керак.

Умуман олганда, ушбу индекслар иқтисодий хавфсизлик кесимида камбағаллик даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиб, камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда, шунингдек, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини олиб боришда амалий кўмаклашади. Шу сабабли соҳага оид давлат сиёсатини режалаштириш ва олиб боришда кўп ўлчамли баҳолаш методларидан комплекс фойдаланиш камбағалликни қисқартиришга доир ишлар самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сатторов И.О., Тўраев О.Б. Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсий назарий ва амалиёт ўқув-методик қўлланма. 2023. – 118 б. 35-б.
2. Ҳамидов Б. Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак? <https://effect.uz/k/2020/11/06>.
3. Жаҳон банкининг камбағаллик даражасини аниқлашга оид ёндашуви. <http://www.worldbank.org>.
4. Руководство по измерению бедности. Европейская экономическая комиссия Организации Объединенных Наций. Нью-Йорк и Женева, 2017 г. С. 211.
5. Информационный бюллетень: Корректировка глобальной черты бедности. <https://www.worldbank.org/en/news/factsheet/2022/05/02/fact-sheet-an-adjustment-to-global-poverty-lines#18>.
6. Сидорчук И.Б. Критерии бедности и показатели ее определения. <https://cyberleninka.ru/article/n/kriteriibednosti-i-pokazateli-ee-predeleniya/viewer>
7. Сазанов И.С. Бедность: Национальные и международные критерии. //Челябинский гуманитарий. 2012. № 3(20). С.80-84.
8. Кошарная Г.Б., Каримова Л.Ф. Основные подходы к измерению уровня бедности в современной России. //https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-podhody-k-izmereniyu-urovnya-bednosti-v-sovremennoyrossii/viewer.
9. Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар. Онлайн, илмий-масофавий конференцияси тезислар тўплами. 2020 йил 30 апрель. 17-бет. www.e-science.uz.
10. Sen A. Poverty and Famines. An Essay in Entitlement and Deprivation. Oxford University, NY, 1997 г.
11. Ravallion M. Poverty Comparisons. A Guide to Concepts and Methods. The World Bank. ISMS Working Paper No 88. Pag. 187-194.